СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАЛАРИ ХАВОСИНИНГ МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ГИГИЕНИК БАХОЛАШ

Умуров Шамсиддин Сатторович

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти. Бухоро, Ўзбекистон.

E-mail: umurov.shamsiddin@bsmi.uz

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 21 январдаги “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари” тўғрисидаги 0020-22 сонли Санитария қоида ва меъёрлари асосида даволаш профилактика муассасаларни ташкиллаштиришда ходимларнинг соғлиғига комплекс равишда доимий таъсир этиб келадиган физик микроиқлим омиллари (хона харорати ва хона хавосининг босими)ни санитария қоида ва меъёрлари талабларига мослигини тахлил қилиш, хамда тахлил натижаларини тиббий ходимларга ва даволаш профилактика муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва реконструктсия қилиш ишлари билан шуғилланувчи юридик ва жисмоний шахсларга керакли тавсияларни бериш. Бу билан даво муолажалари сўраб тиббий ёрдамга мурожаат қилган шахсларга хамда ушбу даволаш профилактика муассасаларида ишлайдиган ишчи хизматчиларни соғлигига салбий таъсир этадиган метиоомиллардан хоналарнинг харорати ва хоналар хавосининг босими санитар-гигеник талабларга мослигини бахолаш оптималлаштиришнинг замонавий усулларини тадбиқ қилиб қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширилишини таъминлашда ёрдам бериш ва бу билан беморлар ва ишчи хизматчилар рухий-физиологик ва жисмоний холатига бўладиган микроиқлим омилларининг салбий таъсирни минимал даражагача камайтириш чораларини излаш.

Калит сўзлар: ДПМларни жойлаштириш, қуриш, қайта қуриш, ёритилганлик даражаси, люкс, СанҚваМ-0020-22, шовқин, дБа, стоматолог хонаси, невролог хонаси, катта хамшира хонаси, гигиеник меёрлар.

Аннотация: В соответствии с санитарными правилами и нормами службы санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здравоохранения Республики Узбекистан от 21 января 2022 года № 0020-22 “санитарные правила, нормы и гигиенические нормативы проектирования, строительства и эксплуатации лечебно-профилактических учреждений физические микроклиматические факторы, оказывающие комплексное длительное воздействие на здоровье (помещение температуры и давления

ISSN 3030-3907

воздуха в помещении)на соответствие требованиям санитарных правил и норм, предоставление результатов анализа медицинским работникам и юридическим и физическим лицам, занимающимся строительством, ремонтом и реконструкцией лечебно-профилактических учреждений, необходимых рекомендаций. Оказание помощи лицам, обратившимся за медицинской помощью с просьбой о лечении, а также работникам, работающим в этих лечебно-профилактических учреждениях, в обеспечении выполнения строительно-ремонтных работ с применением современных методов оптимизации и оценки соответствия температуры и давления воздуха в помещениях санитарно-гигиеническим требованиям, отрицательно влияющим на здоровье метиомицетов поиск мер по минимизации негативного влияния микроклиматических факторов на физическое состояние.

Ключевые слова: размещение ДПМ, строительство, реконструкция, уровень освещенности, люкс, Санквам-0020-22, шум, администратор баз данных, кабинет стоматолога, кабинет невролога, кабинет старшей медсестры, гигиенические критерии.

Annotation: on the basis of sanitary rules and norms of the sanitary and epidemiological tranquility and public health service of the Republic of Uzbekistan dated January 21, 2022 No. 0020-22 on the “sanitary rules, norms and hygiene normatives of the design, construction and operation of therapeutic and preventive institutions”, it is necessary to assess the compliance of physical microclimate factors (pressure of room, to give the necessary recommendations to medical personnel and to legal entities and individuals who are engaged in the construction, repair and reconstruction of treatment preventive institutions. With this, it is necessary to help individuals who seek medical care for treatment procedures to ensure that construction and repair work is carried out using modern methods of optimization of the comfort of the compliance of the rooms with sanitary and hygienic requirements from metioomils, which negatively affect the health of working servants working in these treatment preventive institutions, and thus seek measures to reduce the negative.

Keywords: DPMS placement, build, remodel, lighting level, Lux, Sanqvam-0020-22, noise, DBA, dentist's room, neurologist's room, large Hamshira room, hygienic Hall.

Кириш

Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаш, қуриш ва уларни ташкиллаштириш жараёнларида йўл қўйиладиган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш нафақат беморлар, балки тиббий ходимлар ва уларга хизмат кўрсатувчи шахслар соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан

ISSN 3030-3907

муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, қурилиш ёки реконструкция ишларини амалга оширишдан олдин, ушбу объектларнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлигини ўрганиш, микромуҳит омилларининг – жумладан, хоналардаги ҳаво ҳарорати, ҳаво босими ва ҳаво айланиши каби кўрсаткичларнинг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш талаб этилади. Бу каби тадбирлар келгусида юзага чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш, хатоларни бартараф этиш учун керакли маблағ ва ресурсларни тежаш, ҳамда санитария-гигиена меъёрларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни камайтириш имконини беради.

Ушбу илмий тадқиқот объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси қошидаги кўп тармоқли клиниканинг турли бўлимлари танлаб олинди. Тадқиқот жараёнида бир қатор илмий асосланган таҳлил усулларидан – санитар-описатель (тавсифий), инструментал, лаборатор-инструментал ва аналитик усуллардан фойдаланилди. Хусусан, лаборатор таҳлиллар Тошкент тиббиёт академияси биносида жойлашган корейс-ўзбек қўшма лабораториясидаги замонавий лаборатор-инструментал жиҳозлар ёрдамида олиб борилди. Бу таҳлиллар даволаш муассасаларидаги меъёрий-санитар ҳолатни холисона баҳолаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилди.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва реконструкция қилиш жараёнларида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, тиббий ходимлар ва беморларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир этувчи омиллар — яъни ёритиш даражаси ҳамда шовқин сатҳи — доимий равишда мониторинг қилиниши ва талаб этилган меъёрларга мувофиқлиги таъминланиши зарур [1,5,6].

Даволаш-профилактика муассасаларидаги хоналарда умумий ёритилганлик даражаси ишчи юзада, хона марказида ва табиий ёруғлик манбаидан — деразалардан — энг узоқ нуқталарда қандай фарқ қилаётганини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган санитария қоидалари ва меъёрлари (СанПиН) билан солиштириш орқали белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш зарур. Бу нафақат беморлар учун қулай ва самарали муҳит яратишга хизмат қилади, балки тиббий ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ва руҳий-психологик барқарорлигини таъминлашга ҳам ёрдам беради [7,8,9].

Шунингдек, шовқин даражасининг меъёрлардан ошиб кетиши ҳам ишчи-ходимларнинг касбий самарадорлигига, ҳамда беморларнинг ҳолатига

ISSN 3030-3907

салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан, шовқинни камайтиришга қаратилган замонавий архитектура ва инженерлик ечимларини, масалан, акустик материаллардан фойдаланиш, изоляция тузилмалари ва фаол шовқинни камайтириш технологияларини қўллаш муҳим саналади [2,3,4,10].

Тадқиқот мақсади: Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади — даволаш-профилактика муассасаларини қуриш ва қайта қуриш жараёнларида йўл қўйилаётган камчиликларни илгаридан аниқлаш, шунга мувофиқ равишда тиббий ходимлар ва беморлар саломатлигига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, санитария-гигиена меъёрларига риоя этилмаслиги натижасида юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар ва моддий йўқотишларни олдини олиш, шу орқали соғлиқни сақлаш тизимидаги инфратузилма объектларини юқори сифатли ва самарали фаолият кўрсатишга тайёр ҳолатда қуриш ва қайта тиклашда илмий асосланган ёндашувларни жорий қилиш мақсад қилиб қўйилган.


НАТИЖАЛАР. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўлимлари обйект сифатида олинди. Текшириш усуллари сифатида санитар-тавсифий, инструментал, лаборатор-инструментал ва аналитик усуллардан хамда Тошкент тиббиёт академияси биносида жойлашган корейс-ўзбек қўшма лабораториясининг лаборатор-инструментал усулларидан фойдаланилди.

Тошкент тиббиёт академиясига қарашли кўп тармоқли клиникаси бўлим ва холаларда микроиқлим кўрсаткичларини СанҚваМ № 0020-22 “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари” меъёрий хужжатга асосан хоналар харорати ва хоналар хавосининг босими текширилди ва қуйидаги натижаларни олинди:

МУХОКАМА. Тиббий ходимлар иш жойларида персонал ва пацент ўзини яхши хис қилиш ва организмдаги физиологик жараёнларининг нормал кечиши кўп томонлама иситиш тизимининг рационал тўғри танлаш ва хоналар ҳаво алмашинувига ҳамда уларнинг тўғри ишлата билишга боғлиқ бўлади. ДПМ биноларининг иситиш ва вентиляция тизимларининг лойиҳалаштирилаётганда гигиеник ва техник иктисодий нуқтаи назардан бир вақтда ўтказилиши лозим. Шундагина хоналар ҳарорати гигиеник талабларга жавоб беради, биз ТТА кўп тармоқли клиника маслахат поликлиникаси шифокор стоматолог хонасининг хаво ҳарорати кўрсаткичини текширдик ва қуйидаги натижаларни олдик:деразага энг яқин жойда бошқа ўлчов

ISSN 3030-3907

нуқталарига нисбатан юқори эканлиги аниқланди,аммо барча ўлчов нуқталарида ҳаво ҳарорати гигиеник меъёрларга жавоб берди (1-расм).



1-расм. ТТА кўп тармоқли клиника маслахат поликлиникаси шифокор стоматолог хонасининг хаво ҳарорати кўрсаткичи (°С).

ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими тезкор биокимёвий лабораторияда хаво ҳарорати кўрсаткичи, ҳаво ҳаракати тезлигини гигиеник баҳоладик ва қуйидаги натижаларни олдик:асаб касалликлари бўлими палаталарида ҳаво ҳаракати тезлиги 0.06- 0.22 м/сек, асаб касалликлари бўлими катта хамшира хонасида 0.04-0.06 м/сек,маслаҳат поликлиникасидаги катта ҳамшира хонасида 0.03-0.11, м/сек, маслаҳат поликлиникасидаги муоложа хонасида 0.06-0.08 м/сек, қабул бўлимидаги шифокор хонасида 0.03-0.06 м/сек, қабул бўлимидаги тезкор биокимёвий лаборатория хонасида 0.04-0.07 м/сек, қабул бўлимидаги катта ҳамшира хонасида 0.02-0.05 м/сек эканлиги аниқланди. қабул бўлимидаги катта ҳамшира хонасида 0.02-0.05 м/сек эканлиги аниқланди.Олинган натижаларнинг тахлили шуни кўрсатадики барча текширилган хоналарда ҳаво ҳаракати тезлигини гигиеник талабларга мос келади(2-расм).

ISSN 3030-3907




2-расм. ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими тезкор биокимёвий лабораторияда хаво ҳарорати кўрсаткичи (°С)

ХУЛОСА. Соматик касалликлар шифохоналаридаги ички ҳаво муҳитининг гигиеник ҳолатини баҳолашда техник воситалардан фойдаланиш юқори аниқлик ва тезкорликни таъминлайди. Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, махсус ўлчов асбоблари ёрдамида температура, намлик, ҳаво айланиши ва ҳ.к. каби микроиқлим кўрсаткичларини мунтазам равишда назорат қилиш орқали беморларнинг саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни аниқлаш ва бартараф этиш мумкин. Бу усул орқали шифохоналарда оптимал санитар-гигиеник шароитларни таъминлаш, касалликларнинг асоратларини камайтириш ва шифохона-ички муҳит инфекциялари тарқалишининг олдини олиш мумкин эканлиги тасдиқланди. Шунингдек, техник воситалар билан узлуксиз мониторинг қилиш шифокорлар ва тиббиёт муассасаси маъмурияти учун самарали қарорлар қабул қилиш имконини яратади.

Биз шифохона хоналарида ва палаталарида хона ҳароратини ҳам лаборатория текширишдан ўтказдик,чунки хоналар ва палаталар жуда ҳам исиб кетмаслиги ёки жуда ҳам совуқ бўлмаслиги керак.Агарда жуда совуқ ҳарорат бўладаиган бўлса шифокорлар ва беморлар ўртасида ЎРВИ касалликлари келиб чиқиши ва касалхона ички инфекциясини юзага келишида муҳим аҳамиятга эга. Биз ТТА кўп тармоқли клиника неврология бўлими шифокор хонасида хаво ҳарорати кўрсаткичи натижалари тахлили шуни кўрсатдики деразадан энг узоқ масофада ҳаво ҳарорати энг юқори кўсаткичда эканлиги ўрнатилди,энг паси ҳарорат эса хона марказида аниқланди(3-расм).

ISSN 3030-3907



3-расм. ТТА кўп тармоқли клиника неврология бўлими шифокор хонасида хаво ҳарорати кўрсаткичи (Со)

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, шифохоналарда техник воситалар орқали микроиқлим кўрсаткичларини баҳолаш жуда муҳим бўлиб, бу касаллар учун қулай муҳит яратишда ва профилактик тадбирларни самарали амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Умуров Ш. С. БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИ САНИТАР-ГИГИЕНИК ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ ХАМДА ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДА КАСАЛЛИК ДИНАМИКАСИ //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 64-69.

2. Умуров Ш. С. Особенности Труда Рабочих В Сельском Хозяйстве //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 197-201.

3. Умуров Ш. С. Здоровье Молодежи //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 189-196.

4. Тилляшайхов, М. Н., Джанклич, С. М., Ибрагимов, Ш. Н., Имамов, О. А., Сабирджанова, З. Р., & Умуров, Ш. С. (2022). РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ КОЛОРЕКТАЛЬНОГО РАКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Вопросы онкологии, 68(S3), 174-175.

5. Шеркузиева, Г. Ф., Самигова, Н. Р., & Умуров, Ш. С. (2022). Аҳолининг қудуқ сувларидан фойдаланиш эколого-гигиеник аспектлари (Doctoral dissertation, Тошкент).

6. Шеркузиева, Гузал Фахритдиновна, Наргиз Раимовна Самигова, and Шамсиддин Сатторович Умуров. Аҳолининг қудуқ сувларидан фойдаланиш эколого-гигиеник аспектлари. Diss. Тошкент, 2022.

ISSN 3030-3907

7. Умуров Ш. С. ҚОРАКЎЛЧИЛИК ХОДИМЛАРИ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ХОДИМЛАР СОҒЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ САЛБИЙ ФАКТОРЛАРНИ КЕНГ ОММАГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ //TADQIQOTLAR. – 2024. – Т. 30. – №. 2. – С. 151-156.

8. Шеркўзиева Г. Ф., Саломова Ф. И., Умуров Ш. С. Касалхона ички инфекцияси муаммолари //ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ КАФЕДРА ЭПИДЕМИОЛОГИИ КАЗАХСКИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ СД АСФЕНДИЯРОВА. – 2023. – С. 78.

9. Умуров Ш. С. Здоровье Молодежи //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 189-196.

10. Умуров Ш. С. Особенности Труда Рабочих В Сельском Хозяйстве //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 197-201.

ISSN 3030-3907